

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ  
ТИЗИМЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ  
ТАҲЛИЛИ

*Ўрмонов Рустамжон Таввакалжон ўғли*

*Ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,  
электрон почта манзили: urmonovrustamjon84@gmail.com*

**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидаги ҳукуқбузарликларга қарши кураш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳамда фаолиятни амалга оширувчи институционал тузилмалар, уларнинг функционал вазифалари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу йўналишдаги жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятини кўллаш масалаларига ургу берилган.

**Калит сўзлар:** Тўловлар ва тўлов тизимлари, Тезкор-қидирув фаолияти, банк сири, шахсга доир маълумотлар, автоматлаштирилган банк тизими, маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбири.

**АНАЛИЗ НОРМАТИВНО-ПРАВОВОЙ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ БАЗЫ  
БОРЬБЫ С НАРУШЕНИЯМИ В ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖНЫХ  
СИСТЕМАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Аннотация**

В данной статье анализируются нормативно-правовые документы, регулирующие процессы противодействия нарушениям в электронных платежных системах Республики Узбекистан, а также институциональные структуры, осуществляющие эту деятельность, их функциональные задачи. Также был сделан акцент на использовании оперативно-розыскной деятельности в борьбе с преступностью в этом направлении.

**Ключевые слова:** Платежи и платежные системы, Оперативно-поисковая деятельность, банковская тайна, персональная информация, автоматизированная банковская система, оперативно-поисковая деятельность по сбору данных.

**ANALYSIS OF THE NORMATIVE LEGAL AND INSTITUTIONAL BASIS  
FIGHTING AGAINST VIOLATIONS IN THE ELECTRONIC PAYMENT  
SYSTEMS OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Abstract**

In this article, the normative legal documents regulating the processes of

combating violations in the electronic payment systems of the Republic of Uzbekistan, as well as the institutional structures implementing the activities, their functional tasks are analyzed. Emphasis was also placed on the use of investigative activities in the fight against crime in this direction.

**Keywords:** Payments and payment systems, Quick-search activity, bank secrecy, personal information, automated banking system, data collection quick-search activity.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашганини қузатиш мумкин. Буни жамиятнинг барча соҳаларида ахборот технологияларининг қўлланилишида ҳам қузатиш мумкин. Банк тизимларининг рақамли трансформациялашуви шароитида ушбу йўналишдаги хуқуқбузарлик турлари ҳам ривожланиши табиий ҳолат ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос – рақамли кўриниши шаклланган ушбу сегментда назорат, хуқуқ-тартибот ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда улардаги хуқуқбузарликларга қарши кураш жараёни қонунчилик билан тартибга солинган бўлиб, ушбу норматив-хуқуқий базани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Прокуратура тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Банк сири тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>1</sup> ташкил қиласди. Ушбу қонун ҳужжатлари орқали электрон тўлов тизимларидаги ижтимоий муносабатлар қуидагича тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида ушбу тизимларда содир этиладиган фирибгарлик ва ўғрилик жиноятларининг хуқуқий квалификацияси ҳамда ушбу ноқонуний ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик ва жазо белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексида ушбу соҳадаги жиноят ишларини юритиш тартиби, жиноятларни фош этишдаги процессуал ҳаракатлар, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатилган жиноятларни тергов

---

<sup>1</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://www.lex.uz>

қилувчи тегишли орган – Ички ишлар органлари белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида Марказий банкнинг банк сирига оид маълумотлар билан ишлаш тартиби, хусусан, Марказий банк ходимлари томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи ахборотни ёхуд қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа ахборотни ошкор этиш ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ундан фойдаланишининг тақиқланиши, шунингдек, Марказий банк фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш учун ўзининг расмий веб-сайтида банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни эълон қилмаслиги каби нормалар белгилаб қўйилган.

Ушбу соҳадаги жиноятларни фош этиш вазифаси терговга тегишлилик бўйича Ички ишлар органларига юклатилганлиги сабабли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолиятини, жиноят ишлари бўйича суриштирувни ҳамда дастлабки терговни амалга оширади. Шунингдек, Ички ишлар органлари жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва хужжатларни текширишни тайинлайди ҳамда ўтказади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ прокуратура органлари тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қиласди ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

“Банк сири тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Ушбу Қонунга кўра, прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартибда алмашиш банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланмаслиги, шунингдек, Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли равишда сақланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чоратадбирлар қўриши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокурорнинг санкцияси билан прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларига уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек

етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида — терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра ҳамда тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритувидаги тезкор-қидирав ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида — тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор асосида тақдим қилиниши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан ташқари ушбу Қонунда прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз иш юритувидаги жиноят ишлари ва тезкор-қидирав ишлари бўйича банкларда ҳисобварақлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлар базасидан автоматлаштирилган режимда олишига рухсат берилган.

“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида шахсга доир маълумотлар билан боғлиқ нормалар акс эттирилган бўлиб, ушбу Қонуннинг тезкор-қидирав, разведка ва контрразведка фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида олинган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган.

“Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Хусусан, банк сирига оид маълумотларни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди. Шунингдек, ушбу Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси барча банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш ҳамда банк сирига оид маълумотлар билан ишлаш тартиби шакллантирилади.

“Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасидаги барча электрон тўлов тизимлари ушбу Қонун асосида фаолият юритади.

“Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида тезкор-қидирав фаолияти субъектлари, тезкор-қидирав тадбирлар турлари, уларни ўtkазиш учун асослар, тезкор-қидирав тадбирларига рухсат бериш тартиби, тезкор-қидирав тадбирлари материаллари билан ишлаш тартиби белгиланган. Ушбу Қонунга кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни

олиш учун **маълумотлар тўплаш** тезкор-қидирув тадбири ўтказилади. Қонунда белгиланишича, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади.

Юқорида санаб ўтилган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларида жиноятларга қарши кураш механизмини тавсифлаш мумкин. Яъни, ушбу йўналишдаги жиноятларга қарши кураш, хусусан уларни фош этиш жараёнида тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини олиб борувчи сифатида Ички ишлар органлари, жиноятни фош этишда зарур булган банк сирига оид маълумотлар билан терговни ёки тезкор-қидирув жараёнларини таъминлаш вазифасини бажарувчи тузилма сифатида Марказий банк ҳамда ушбу жараёнлар устидан қонунчилик назоратини ўрнатувчи ва банк сирига оид маълумотларни олишга санкция берувчи сифатида прокуратура органлари фаолият юритади (1-расм).



1-расм. Банк сирига оид маълумотларни олиш учун “маълумотлар тўплаш” тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тартиби<sup>2</sup>

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёни субъектлари сифатида учта тузилма Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ҳамда Прокуратура иштирок этаётганлигини кўриш мумкин. Институционал жиҳатдан уларнинг мақоми тегишли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси<sup>3</sup>га мувофиқ Марказий банк юридик шахс бўлиб, у давлатнинг мутлақ мулкидир ва ўз харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади. Марказий банк ўз ваколатлари ҳамда вазифалари доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларидан мустақил равишда қарорлар қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси<sup>4</sup>га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк

<sup>2</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://lex.uz/docs/-2107763>

<sup>3</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://lex.uz/acts/4590452>

<sup>4</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://lex.uz/docs/4581969>

фаолияти соҳасини тартибга соловчи ва лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи давлат органидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси<sup>5</sup>да Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикасида тўлов тизимлари барқарор ишлашини таъминлаш чораларини кўриши ҳамда кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, молиявий хизматларнинг очиқлигини ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш чораларини кўриши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги тўлов тизимлари ҳам ушбу жараёнларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тўловларни тўлов тизимининг оператори, тўлов тизими иштирокчилари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг тўлов тизими оператори томонидан белгиланган тўлов тизимининг тартиб-таомилларини, инфратузилмасини ва қоидаларини қўллаш воситасида ҳамкорлик қилиш йўли билан амалга оширишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуи тўлов тизими ҳисобланади. Тўлов тизими оператори билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ва тўлов тизимида иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган банклар эса тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади. Ўз навбатида, тўлов тизимлари муҳим тўлов тизимлари ва бошқа тўлов тизимларига бўлинади. Муҳим тўлов тизимларини белгилаш Марказий банк томонидан мазкур Қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Марказий банк тўлов тизимларининг самарали, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида ушбу Қонунга мувофиқ тартибга солинишини амалга оширади.

Бундан ташқари Қонунда тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов фармойиши алоқа каналлари орқали жўнатилганда тўлов хизматларидан фойдаланувчини кўп омилли аутентификация қилиш тартиб-таомилини қўллаши, масофавий хизмат кўрсатиш тизимларида ҳимояланган алоқа каналини ташкил этиши, ҳодисаларни қайд этишининг тегишли дафтарларини юритиш, сақлаш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиши ҳамда алоқа сеанси доирасида Интернет тармоғи орқали ахборотни криптографик ҳимоя қилишининг лицензияланган воситаларидан фойдаланган ҳолда шифрланган шаклдаги маҳфий маълумотларни алмашишни амалга ошириши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб

<sup>5</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://lex.uz/acts/4590452>

берувчилар фақат тўлов хизматларини кўрсатиш учун зарур шахсга доир маълумотлардан фойдаланиши, уларга ишлов бериши ва уларни сақлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси<sup>6</sup>да Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу Қонунинг 5-моддасига мувофиқ, Ички ишлар органлари ўз фаолиятини қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни хурмат қилиш, очиқлик ва шаффоффлик принциплари асосида олиб боради.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 11-моддасида Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашиши, шу жумладан электрон шаклда алмашиши, шунингдек бошқа ахборотни алмашиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси<sup>7</sup>да Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонунинг 5-моддасида прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши ҳамда уларнинг фаолиятига аралашиш тақиқланиши белгиланган.

Юқорида санаб ўтилган учта тузилманинг ҳамкорликда фаолият олиб бориши ушбу соҳадаги жиноятчиликка қарши қураш самарали йўлга қўйилишининг асосий шарти ҳисобланади.

Тезкор-кидирув тадбири хусусан, маълумотлар тўплаш тадбирини амалга ошириш банк карталари билан содир этилган жиноятларни фош этиш

<sup>6</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://www.lex.uz/acts/3027843>

<sup>7</sup> Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url: <https://www.lex.uz/acts/106197>

жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу тадқиқот давомида асосий эътибор ушбу тезкор-қидирув тадбирининг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган. Ички ишлар органларининг ушбу тезкор-қидирув тадбири имкониятидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидағи ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг институционал асослари ҳамда тузилмаларнинг функционал вазифасини очиб беришга хизмат қиласи. Жараённинг бориш кетма-кетлигини қисқача қўйидагича ифодалаш мумкин.

Ички ишлар органларига банк ҳисоб рақамидаги пулларининг ноқонуний олиб қўйилганлиги тўғрисида ариза келиб тушади. Бу ҳолат фирибгарлик ёки ўғрилик шаклида содир этилган бўлиши мумкин. Агар ҳисоб рақамидаги маблағлар яширин тарзда, эгасига сездирмасдан ўзлаштирилган бўлса, бу ҳолат ўғрилик сифатида баҳоланади. Агар ушбу маблағлар алдов ёки жабрланувчининг ишончига кириш йўли билан ўзлаштирилган бўлса, бу ҳолат фирибгарлик сифатида баҳоланади. Ҳар иккала вазиятда ҳам ушбу ҳолатга аниқлик киритиш, шунингдек аризани текшириш мақсадида Ички ишлар органлари тегишли бўлимлари тезкор ходимлари томонидан терговга қадар текширув ёки суриштирув тадбирлари амалга оширилади. Тезкор ходимлар зарурӣ маълумотларга, яъни банк сирига оид материалларга эга бўлиш учун тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш бўйича қарорни шакллантиради ва унга санкция олиш учун прокурорга мурожаат қиласи. Прокурор томонидан санкция берилгач, ушбу қарор асосида банклар томонидан маълумотлар тақдим қилинади ва тезкор ходим ушбу материаллар асосида кейинги ҳаракатларни амалга оширади. Кейинги босқичда терговга қадар текширув ёки суриштирув материаллари асосида жиноий иш очилади ҳамда тергов жараёни бошланади. Навбатдаги ҳаракатлар процессуал тартибда, терговчи томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги тартиб орқали жараён иштирокчиларининг функционал вазифаларини тушунтириш мумкин. Норматив-ҳуқуқий асослар таҳлили ҳам ушбу вазифаларнинг қонунга мувофиқ тарзда амалга оширилганлигини кўрсатиб турибди. Бироқ ушбу жараённинг бош мақсади жиноятни фош этиш эканлигини инобатга олса, масъул тузилмаларнинг ўз функционал вазифасини қай даражада сифатли ҳамда касбий маҳорат билан амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидағи ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асослари етарлича шакллантирилганлигини, кейинги ислоҳотлар соҳанинг самарадорлигини оширишга қаратилишини айтиш мумкин. Яъни, амалдаги қонунчилик соҳани такомиллаштириш имкониятларини чекламайди. Аксинча, асосий ишларни ташкилий муаммоларни ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларга

қарши кураш механизмини ривожлантиришга қаратиш мумкин.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси электрон тўлов тизимларидағи ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларининг ҳозирги имкониятлари таҳлил қилинди. Ушбу механизмлардаги муаммоларни аниклаш ва уларни бартараф этиш учун халқаро амалиётни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, рақамлаштириш жараёнлари натижасида юзага келган муаммолар бошқа давлатлар томонидан ҳам долзарб масала сифатида ўрганилганлиги ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини инкор этиб бўлмайди.

### **Фойдаланилган манбалар**

1. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти материаллари.